
Халқ депутатлари Фурқат тумани кенгашига сайлов ўтказувчи туман
сайлов комиссияси қарори



XALQ DEPUTATLARI
FURQAT TUMANI KENGASHIGA SAYLOV O'TKAZUVCHI
TUMAN SAYLOV KOMISSIYASI
QARORI

2022 yil 25 noyabr

37-son

Furqat tumani

**Бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгаши
депутати сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича
чора-тадбирлар режаси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 93-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги 1033-сонли қарори ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2022 йил 25 ноябрдаги VI-57-174-11-164-Q/22-сонли қарорига мувофиқ 2022 йил 25 декабрь Якшанба куни Фурқат туманида бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сайлови бўлиб ўтади.

2022 йил 25 декабрда бўлиб ўтадиган бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Фурқат тумани Кенгаши депутати сайловига қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда, халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ равишда, юқори демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига эркин сайлаш ва сайланиши билан боғлиқ конуституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 20-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Фурқат туманида бўшаб қолган ўринга Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб кўйилсинки, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча ишлар сайлов комиссияси томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликка ҳамда ушбу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ равишда амалга оширилади.

2. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича энг муҳим талаблар ва мақсадли вазифалар:

- сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қондаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди

дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

- сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қондаларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб бериш;

- сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонунчилик талабларига оғишмай ва сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ва ушбу чора-тадбирлар режасига белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби қўйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурий ва бир хил ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор маҳаллий оммавий ахборот воситаларда эълон қилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлашни ўз зиммамда қолдираман.

**Туман сайлов
комиссияси раиси:**



М.Холиқов